

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**448** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2847-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 5 июнь,  
ПФ–5070-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 5 июндаги  
ПФ-5070-сонли Фармониغا  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» ПФ-3923-сонли Фармони 7-бандидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-4434-сонли Фармони 2-бандидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4453-сонли Фармони 3-илоvasи 11-банди «Солиқ ҳисоботлари номланиш шакли» устунидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-4853-сонли Фармони 3-банди 2-хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стра-

тегияси тўғрисида» ПФ–4947-сонли Фармонининг 8-илоvasидаги «Молиялаштириш манбалари» устуни:

а) 232-банддаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштиришсин;

б) 260 — 262-бандлардаги Умумтаълим мактаблари, Ўрта махсус касб-хунар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғармаси» сўзлари «Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 5 июндаги  
ПФ–5070-сонли Фармонига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган айрим фармонлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» ПФ–4416-сонли Фармони 1-илоvasи 20-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ПФ–4631-сонли Фармони иловасининг 48- ва 58-бандлари.